

**The round table proceedings on**  
**«MICE industry as a driver of economic development»**

**September 16, 2020**

**Материалы круглого стола**  
**«MICE индустрия - как драйвер экономического развития»**

**16 сентября 2020**

**Davra suhbatı materiallari**  
**«MICE sanoati - iqtisodiy rivojlanish omili»**

**16-sentabr 2020 yil**

**БКБ 65.433**

**T 11**

**The Round Table Proceedings on “MICE industry as a driver of economic development” in the frames of online III Millennials’ Tourism Festival**

Tashkent: Management Development Institute of Singapore in Tashkent, 2020. – 68 pages.

**БКБ 65.433**

**Editing:** Sh. A. Karimova, Dr. D. Alieva, Dr. E. Embang, M.Sarimsakov

This proceedings can be freely used and copied for non-commercial purposes, provided that the source is acknowledged.

For ordering additional copies of the publication, please contact [conference@mdis.uz](mailto:conference@mdis.uz)

© Management Development Institute of Singapore in Tashkent, 2020

**ISBN - 978-9943-6856-0-4**

## Contents

<b>Деятельность МІСЕ-агентств: возможности, приоритеты, проблемы, перспективы</b>	
Сайера Сафаева, Диёра Адылова.....	1
<b>Importance of MICE tourism for destinations. Features of development of business tourism in Uzbekistan</b>	
Jamshed Ashrapov.....	6
<b>O‘zbekistonda erkin turistik zonalarni rivojlantirishda MICE turizmning roli</b>	
Aziza Asadova.....	15
<b>O‘zbekistonda turizmbop joylarning xaritasini yaratish. Qashqadaryo turizmi</b>	
Ilyos Zohirov .....	24
<b>The role of innovation in the development of tourism</b>	
Maraldjan Kadirova.....	28
<b>Potentials and prospects of MICE Tourism in Uzbekistan</b>	
Umidjan Matyukubov, Akmal Rakhimbaev .....	32
<b>Меҳмонхона кластери ва унинг МІСЕ саноатидаги ўрни</b>	
<b>Мирфайз Нарзиев .....</b>	<b>35</b>
<b>The ways of developing youth tourism during the pandemic</b>	
Navruz-zoda Bakhtiyor, Nilufar Akhrorova .....	41
<b>Importance of Halal tourism services for development MICE industry in Uzbekistan</b>	
Nodira Muhammadiyeva, Dr. A’lam Asadov .....	45
<b>The growing popularity of MICE tourism in Uzbekistan and abroad</b>	
Vazira Ostanakulova .....	52

# Меҳмонхона кластери ва унинг MICE саноатидаги ўрни

Мирфайз Нарзиев

*Таянч докторант, Бухоро давлат университети*

**Аннотация.** MICE саноатининг Ўзбекистонда охириги йилларда жадал суръатлар билан ривожланиши, давлатимизнинг халқаро майдондаги роли ва нуфузининг ошиб бориши билан бирга, турли-хил тадбирларни юқори савияда ташкил қилиш ва ўтказишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида қулай, кенг ва сифатли конференц хизматларига бўлган талабни шакллантиради. Бундай хизматларни ташкил қилишда меҳмонхона кластерларининг ўрни муҳимдир.

**Калит сўзлар:** *MICE, меҳмонхона кластери (hotel cluster), SMMP.*

MICE бу – инглиз сўзларининг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, Meetings (учрашувлар), Incentives (рағбатлантириш), Conferences (конференциялар), Events (тадбирлар), яъни турли хил корпоратив тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бизнес сайёҳлик соҳасидир (1-расм)<sup>1</sup>. Ушбу бозорнинг асосий иштирокчилари MICE ва тадбирларни ташкил қилувчи агентликлар бўлиб, уларга конгресс бюrolари, кўргазма марказлари ва корпоратив тадбирларни ўтказиш учун турли жойлар ҳисобланади.



1-расм. MICEнинг инглизча талқини

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Компанияларда MICE махсус дастурлар билан тартибга солиниб, уларнинг энг машҳури SMMP (strategic meeting management program – корпоратив тадбирларни стратегик бошқариш дастури) бўлиб, бу дастур орқали маълумотлар ва ҳисоботлар бирлаштирилади.

MICE тадбирларини ўтказишдан мақсад:

- Бизнес ҳамкорлар билан учрашувлар, тақдимотлар ва музокаралар ўтказиш;
- Профессионал тадбирларда (конференциялар, кўргазмалар, конгресслар, семинарлар, форумлар ва бошқалар) қатнашиш;
- Тадбиркорлик алоқаларини ўрнатиш, янги ҳамкорлар, мижозлар, инвесторлар, етказиб берувчилар ва бошқа шерикларни жалб қилиш;
- Тренинглар, корпоратив маданиятни такомиллаштириш ёки жамоани шакллантириш бўйича жамоавий тренинг ва дастурларда иштирок этиш (тимбилдинг);
- Компаниялар томонидан ходимлар ёки шериклар учун ўтказиладиган рағбатлантирувчи, мотивацион тадбирларда / турларда / дастурларда қатнашиш;
- Инвесторлар, шериклар ва мижозларнинг эътиборини компания бренди ва маҳсулотларига / хизматларига жалб қилиш учун имидж, PR тадбирлари ва кўргазмаларда иштирок этишдир.

MICE туризмнинг жаҳон туризм саноатидаги улуши 2017 йилда 22,5% ёки \$1,23 трлн. долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб \$1,67 трлн. долларга етиши тахмин қилинган. Халқаро Конгресс ва Конференциялар Ассоциацияси (ICCA) маълумотларига кўра, 2017 йил давомида 168 мамлакатда 1258 корпоратив тадбирлар ташкил этилган. Ушбу қўшма тадбирларнинг асосий қисми АҚШ (941), Германия (682), Англия (592), Испания (564) ва Италияда (515) бўлиб ўтган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси MICE туризмнинг мақсадли вазифалари ва халқаро тажрибасидан келиб чиқиб, 2019-2025 йилларда Ўзбекистонда MICE туризмни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий ишларни олиб бормоқда, шу жумладан, стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, алоҳида давлат муассасасини (Қўмита ҳузурида) ташкил этиш, MICE туризмни ривожлантириш учун мамлакат

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари: <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=626#>

худудларида зарур инфратузилмани яратиш, Халқаро Конгресс ва Конференциялар Ассоциацияси (ИССА) билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Ушбу ўзаро ҳамкорликнинг натижаси сифатида, 2019 йилнинг 9-11 Август кунларида Тошкент шаҳрида биринчи Халқаро гастрономик фестивалъ Gastro Bazaar-2019 бўлиб ўтди (2-расм)<sup>3</sup>. Ушбу фестивалъ давомида республикамизнинг барча вилоятларида пишириладиган машхур таомлар, мева-сабзавотлар, ширинликлар ва шоу дастурлар намоиш этилди.



2-расм. Биринчи Халқаро гастрономик фестивалъ логоси

Шу билан бирга, давлат идоралари ва хусусий сектор вакиллари учун кунлик тренинглар ва маҳорат дарслари ўтказилди. Бу маҳорат дарслари натижасида, мамлакатимизда ўтказиладиган бизнес-тадбирларни ташкил қилишда дунёдаги етакчи мутахассисларнинг тажрибасини ўрганиш, Ўзбекистондаги МІСЕ туризми салоҳиятини янада ошириш ва лойиҳалардан тушумларни кўпайтиришдир.

МІСЕ тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказишда меҳмонхона кластерларининг ўрни каттадир.

Кластер назариясини 1990-йилларнинг бошларида, АҚШнинг Гарвард университети иқтисодчи профессори, М.Портер ўзининг “Халқаро рақобат: мамлакатларнинг рақобатдош устунликлари” китобида кластерни: “маълум бир соҳада умумий фаолият кўрсатадиган ва бир-бирини тўлдирадиган, географик жihatдан бир-бирига боғлиқ бўлган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳидир. Кластернинг географик даражаси, бир шаҳардан бир мамлакатга ёки

<sup>3</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ҳатто бир қатор қўшни давлатларга қараб кенгайиши мумкин. Кластерни бир-бири билан боғланган фирмалар ва ташкилотлар тизими сифатида қараш мумкин бўлиб, улар биргаликда қўшилган қиймат занжирини (value system – қиймат тизими) шакллантиради<sup>4</sup> деб таърифлаган.

Бизнинг фикримизча, *туризм кластер бу* – маълум ҳудудда туризмни ривожлантириш мақсадида бирлашган меҳмонхоналар, дам олиш ва туристик объектлар, транспорт ва овқатланиш корхоналари, туроператорлар ва турфирмалар, суғурта ва молия муассасалари, ОТМ ва туризмни давлат томонидан бошқариш ташкилотларининг ўзаро кооперация асосида бирлашиб фаолият олиб бориши тушунилади (3-расм)<sup>5</sup>.

Шундан келиб чиқиб, *меҳмонхона кластери деганда* – туризм кластерининг субъектларидан бири бўлиб, йил давомида меҳмонхона даромадларини кўпайтириб бориш, туристлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиб хизматлар турларини кенгайтириш, туризм соҳасидаги бошқа субъектлар билан кооперацион алоқаларни кенгайтириб янги корхоналарда иш ўринларини яратиш (қўшилган қиймат занжири) йўли билан ҳудуднинг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Яъни агар меҳмонхона кластерлари шакллантирилиб, фаолият олиб борса, бу МІСЕ тадбирларини муваффақиятли ўтказишга катта ҳисса қўшади. Тадбир ташкилотчилари фақатгина биргина меҳмонхона кластери билан ташкилий ишларни режалаштиради холос, кластер ўз ҳамкорлари билан қолган барча ишларни ўзи олиб боради.

МІСЕ саноатининг меҳмонхона кластери билан ўзаро фойдали ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Тадбир иштирокчилари учун қулай бўлган конференц зал, техника-технологиялар, банкетлар, кутиб олиш ва кузатиб қўйиш хизматлари, консъер хизматлари ва бошқа кўнгилочар тадбирларнинг барчаси меҳмонхона кластери томонидан таклиф қилинади;
2. Тадбир ташкилотчилари ҳар битта хизмат таклиф қилувчилари билан ишламасдан, биргина меҳмонхона кластери билан ишлайдилар;


---

<sup>4</sup>М. Портер. «Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран», 1990, США: <https://www.litres.ru/maykl-porter/mezhdunarodnaya-konkurenciya-konkurentnye-preimuschestva-stran/chitat-onlayn/>

<sup>5</sup>Муаллиф ишланмаси.

3. Бизнес сайёҳлар ва VIP меҳмонлар учун профессионал хизматларнинг таклиф қилиниши;

3-расм. Туризм кластери



Республикамизда туризм соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши, меҳмонхона, мотел, меҳмон уйлари ва бошқа турдаги яшаш учун мўлжалланган турар-жойларнинг кўпайиб бориши билан бирга, меҳмонхона кластерларининг шакллантирилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Келажакда давлатимизда бўлиб ўтадиган халқаро даражадаги тадбирларни юқори савияда ўтказиш билан бирга давлатнинг нуфузи ва туристик жозибадорлиги ошади, бу эса ўз навбатида янада кўпроқ туристларни жалб қилишга олиб келади.



## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. М. Портер. «Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран», 1990, США.
2. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.
3. С.В. Валеева. “Развитие концепции кластерного подхода в туризме”, Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова, Москва, 2016.
4. Питгурская Н. Н. Кластерный подход к регулированию туризма в регионе. — Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. наук. — Иркутск. 2006.